



## ТОЖИКИСТОНДА НАРКОВАЗИЯТГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР

*Мустақил изланувчи  
Машарипов Т.Б.*

Бугунги кунда гиёхванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси, нафақат, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари, балки бутун дунёда кенг жамоатчиликни жиддий ташвишга солмоқда. Шу сабабли, ушбу йўналишда бутун жаҳон ҳамжамиятидан ҳамкорликни самарали йўналишларини ташкил этиш ва бу йўлда барча куч ва воситаларни бирлаштиришни талаб қилмоқда.

БМТнинг Наркотик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси маълумотига кўра, 2022 йилда дунё бўйлаб тахминан 284 миллион киши гиёхванд моддаларни истеъмол қилиб, 36 миллиондан ортиқ одам гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ касалликларидан азият чекмоқда. Бу кўрсаткич 2010 йилда 226 миллион кишини ташкил қилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, гиёхванд моддаларни истеъмол қилувчилар сони 27% га ошганлигини кўришимиз мумкин<sup>1</sup>.

Гиёхванд моддаларининг кенг тарқалиши ҳар қандай жамиятнинг, қолаверса, давлатнинг келажагига салбий таъсир этиши муқаррардир. Буни тушуниб етган мамлакатлар мазкур “вабо”га қарши кенг миқёсда кураш олиб бормоқда. Кўплаб одамлар кўпроқ микдорда фойда олишни кўзлаб гиёхвандлик моддаларни ғайриқонуний етишириш, тайёрлаш ва сотишга жалб этилиши кишилик жамиятини ижтимоий муаммоларни кўпайишига олиб келиши мумкин. Наркобизнес – нафақат бирон бир давлатнинг, балки бутун бир минтақанинг бугуни ва эртасига таҳдид солувчи улкан хавфdir. Масаланинг яна бир томони шундаки, катта пул маблағларини тўплаган наркомафия аста-секин сиёсий тизимга ўз таъсирини кўрсата бошлади. Пировард натижада жамият аста-секин ичидан емирила боради, мазкур жамиятдаги барқарорлик, тинчлик осойишталикка амалда хавф туғилади. Гиёхванд моддалар сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатларида ҳам ёйилиши кузатилиб, ушбу ҳолат айниқса, Тожикистон Республикаси ҳудудида кучайиб бормоқда.

<sup>1</sup> Артикуль Управления ООН по наркотикам и преступности как важнейший механизм в международной борьбе с наркотиками 2023 : <https://cyberleninka.ru: 01.12.2023>



Эксперттар фикрига кўра, Тожикистондаги нарковазиятга таъсир этувчи ички омилларга Тожикистонда яшовчи аҳоли орасида ишсизлик даражасининг юқорилиги, турмуш тарзининг оғир аҳволда эканлиги ва уларнинг наркотиклар савдоси билан шуғулланаётганлиги, Тожикистонда наркотиклар контрабандаси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларнинг кўпайиб бораётганлиги, шунингдек, 93% баланд тоғлардан иборат умумий чегара узунлиги 1344 км бўлган Тожикистон ва Афғонистоннинг чегара чизигини назорат қилишнинг қийинлиги сабаб бўлмоқда<sup>2</sup>.

Бугунги қунга келиб, Афғонистон ҳудудида тайёрланган наркотик воситалар умумий миқдори ер юзида тайёрланган бу турдаги маҳсулот ҳажмининг қарийб 90 % ни ташкил этмоқда<sup>3</sup>.

Маълумотларга кўра, Афғонистонда ишлаб чиқарилаётган наркотик воситаларнинг Марказий Осиё давлатлари орқали транзит қилинишида уларнинг катта қисми дастлаб Тожикистон Республикасига олиб ўтилиб, кейинчалик Қирғизистон, Ўзбекистон орқали Қозоғистон, Россия, Европа давлатлари ва дунёнинг бошқа нуқталарига етказилмоқда, маълум бир қисми мамлакат ичкарисида истеъмол учун қолиб кетмоқда.

Ҳозирги қунда Афғонистондан наркотиклар асосан Тожикистоннинг Хатлон, Тоғли Бадахшон автоном вилоятлари, Мир Сайд Али Ҳамадоний ва Шохин туманларидан кириб келмоқда.

Хусусан, 2023 йилнинг 12 сентябрь куни Хатлон вилоятининг Фархор туманида, Тожикистон Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси чегара қўшинлари томонидан чегарани ноқонуний кесиб ўтган 13 нафар Афғонистон фуқароси 260 кг бўлган 24 қоп гиёҳванд моддаси билан қўлга олинган. Шунингдек, Афғонистон билан чегарадош Мир Сайд Али Ҳамадоний тумани ҳудудида қўшни давлатдан гиёҳванд моддаларни олиб ўтишга икки марта уриниш бўлиб, 120 кг гиёҳвандлик воситалари мусодара қилинган<sup>4</sup>.

Тожикистон Президенти И.Раҳмон 2023 йилнинг сентябрь БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида “Толибон” ҳокимият тепасига келганидан сўнг икки йил ичида Тожикистон ваколатли органлари томонидан Тожикистон-Афғонистон чегарасида 10 тоннадан ортиқ наркотик моддалар мусодара қилинганини айтиб ўтган. Шу қаторда, Тожикистондаги нарковазиятнинг кескинлашувига Афғонистонда наркотикларнинг

<sup>2</sup> National border Management strategy and its implementation plan 2010: <https://www.bomca-eu.org> 29.11.2023

<sup>3</sup> Opium production in Afghanistan 2021: <https://en.wikipedia.org> 10.12.2023

<sup>4</sup> Власти Таджикистана: поток наркотиков из Афганистана вырос при талибах 2023: <https://avesta.tj>; 26.11.2023



тайёрланиши йилдан-йилга ошиб бораётганлиги ҳамда уларни Россия ва Европага етказилишида Марказий Осиё ҳудудлари, хусусан, Тожикистон орқали транзит қилинаётганлиги минтақада бир қатор муаммоли вазиятларни юзага келтирмоқда<sup>5</sup>.

Шунингдек, 2022 йил БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳисоботида, Афғонистонда “Толибон” ҳокимиятни қўлга киритгач, мамлакатда қўкнори экиласидиган майдонлар олдинги йилларга нисбатан 32 % га ошиб, 233 минг гектарни ташкил қилган. Асосий экин майдонлари Афғонистоннинг жануби-ғарбий вилоятларида етиштирилган<sup>6</sup>.

Тожикистон статистика **қўмитаси** маълумотларига кўра, 2022 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва қуч тузилмалари томонидан жами 22 481 та жиноят қайд этилган. Шундан 688 та жиноят гиёҳвандлик билан боғлиқ. Жумладан, республикада қайд этилган жиноятлар умумий сонининг 3,1 % ни гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар ташкил этган. Шунингдек, 2023 йилнинг биринчи ярмида жами 11 612 та (2022 йил - 12 482 та) жиноят содир этилган. Шундан 391 таси (2022 йил – 384 та) гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 та жиноятга ёки 1.8 % га кўпdir. Республикада қайд этилган жиноятларнинг умумий сони наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг улуши 3,4 % ни ташкил этган<sup>7</sup>.

Шу қаторда, Тожикистон Республикаси орқали наркотикларнинг контрабанда қилиниши натижасида мамлакатда гиёҳвандлик қасаллигига чалинганлар сони ортиб бормоқда. Хусусан, Тожикистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган маълумотларга кўра, мамлакатда гиёҳвандликнинг ортиб бориши натижасида ОИТС ва ОИВ қасаллигининг кўпайиши ҳолатлари кузатилмоқда. Расмий статистик маълумотларга кўра, 2022 йилда республикада 4381 нафар гиёҳвандлик билан қасалланганлар расман рўйхатга олинган. Бугунги кунда Тожикистонда ҳар 100 минг аҳолига 43,8 нафар гиёҳванд тўғри келади<sup>8</sup>.

Бундан ташқари, географик жиҳатдан Марказий Осиё минтақаси ўзига хос геостратегик нуқтада жойлашган бўлиб, бу бир қатор давлатлар

<sup>5</sup> За два года на таджикско-афганской границе изъяли более 10 т наркотиков 2023: <https://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/10.12.2023>

<sup>6</sup> Аrticle Управления ООН по наркотикам и преступности как важнейший механизм в международной борьбе с наркотиками 2023 : <https://cyberleninka.ru:01.12.2023>

<sup>7</sup> Пресс-конференция об итогах деятельности Агентства в 2022 году: <https://akn.tj/press conference on the results of the agencys.activities.in 2022: 27.11.2023>

<sup>8</sup> Справочнике Агентство по контролю за наркотиками при Президенте Республики Таджикистан 2023; <https://akn.tj/24.11.2023>



ва минтақаларни, жумладан, Шимол, Шарқ, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё, Ғарбни бир-бiri билан транспорт-коммуникация тизими орқали боғлайди. Халқаро уюшган гурухлар афғон наркотикларини Россия ва Европа давлатларига контрабанда усулида ташишда минтақанинг айнаншу жиҳатларидан кенг фойдаланиб, Тожикистон давлати орқали олибўтмоқда.

Шу билан бир қаторда, Тожикистонда яшовчи аҳоли орасида ишсизлик, турмуш тарзининг оғир аҳволда эканлиги ва уларнинг наркотиклар савдоси билан шуғулланаётганлиги яна бир муҳим омил сифатида мамлакатда нарковазиятнинг кескинлашувига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, Россия Федерациясининг мигратция хизмати томонидан берилган маълумотларга қўра, ҳозирги кунда Россияда 1 млн.дан ортиқ Тожикистон Республикаси фуқоролари ишламоқда. Улардан аёллар 121 мингдан кўпроқни ташкил этмоқда. Ҳозирда Тожикистонда 10 млн аҳоли истиқомат қиласди. Улардан 1 млнга яқини Россияга бориб ишлаётганлигини ҳисобга олганда Тожикистонда ишсизлик юқори даражада эканлиги кўришимиз мумкин<sup>9</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда гиёҳванд моддалар турли шакл ва турларда намоён бўлиб давлатлар милий хавфсизлигига таҳдид солаётган реал хавфга айланди. Шунингдек, Тожикистонда наркотрафикка қарши кураш соҳасида мамлакат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамасдан мамлакатда нарковазиятнинг йилдан-йилга кескинлашиб бориши кузатилмоқда. Бунга асосий омиллар сифатида Тожикистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, аҳоли даромадларининг пастлиги ҳамда наркожиноятчилик билан боғлиқ коррупциявий ҳолатнинг кучайиши ва чегара худудларини кўпгина қисмини назорат қилишнинг имконияти йўқлиги, наркотикларнинг асосий қисми шу худудлардан кириб келаётганлигини таъкидлаш мумкин. Натижада, мамлакат орқали наркотрафик кучайиб бормоқда. Ушбу ҳолатнинг сақланиб қолиши нафакат мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг кескинлашишига, балки минтақадаги наркотрафикни ривожланишига қулай шароит яратмоқда. Бундай вазиятнинг давом этиши, ўз навбатида, Марказий Осиё давлатларининг биргаликда чора-тадбирлаш ишлаб чиқиши кераклигини тақозо этади.

<sup>9</sup> Таджикистан в 2022 году получил рекордно высокий объем денежных переводов. 2023; Asia-plus 10.12.2023